



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr

№ 502

Toshkent sh.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни 10, 42 ва 58-моддаларига мувофиқ тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш тартибини белгилаш, шунингдек, тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқарувчи машинистлар масъулиятини ошириш, назорат қилиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент метрополитени” АЖнинг **2027 йил 1 январдан бошлаб** темир йўл ва метрополитен транспорти машинистларига **тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни** Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

2029 йил 1 январгача бўлган муддатда амалда тортиш ҳаракатдаги темир йўл ва метрополитен таркибини бошқариб келаётган барча машинистларнинг ушбу қарорга мувофиқ янги намунадаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиши мажбурий ҳисобланади;

2029 йил 1 январдан бошлаб ушбу қарорга мувофиқ янги намунадаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олмаган машинистларга тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш тақиқланади;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун тест синовини шаклида имтиҳон ўтказилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасини олиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш тартиби;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, алмаштириш, йўқолган гувоҳнома ўрнига янгисини бериш, шунингдек, гувоҳномани тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасининг электрон реестрини юритиш, гувоҳномани тайёрлаш, сақлаш (ҳисобга олиш) тартиби.

4. Транспорт вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой** муддатда:

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини ЯИДХП орқали кўрсатишнинг техник имкониятини яратсин;

Транспорт вазирлигининг электрон маълумотлар базасининг ЯИДХПга интеграция қилинишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида тегишли тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарор **2027 йил 1 январдан** бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) темир йўл ва метрополитен транспортида ҳаракат таркибини бошқарувчи машинистларга тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) томонидан берилади.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ўз фаолиятини темир йўл транспорти ва метрополитен соҳасида амалга оширадиган, гувоҳнома олишга талабгор бўлган ходимларининг ҳужжатларини тақдим этадиган юридик шахс;

машинист – тортиш ҳаракатдаги темир йўл ёки метрополитен таркибини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис;

машинист гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) – темир йўл ва метрополитен ташкилоти ходимининг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

машинист ёрдамчиси – тегишли касбий малакага (маълумотга) ҳамда темир йўл транспорти соҳасида ўз фаолиятини амалга ошираётган ташкилот (иш берувчи) томонидан берилган амалдаги машинист ёрдамчиси гувоҳномасига эга бўлган ва ўз меҳнат фаолиятида бевосита машинистга бўйсунувчи ходим;

платформа – номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш учун тест синови ўтказиладиган, фойдаланувчиларни “Face-ID” орқали аниқлайдиган ва тест синови натижалари бўйича QR-кодли маълумотнома берадиган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг (кейинги ўринларда – Институт) электрон (ахборот) тизими;

таълим ташкилотлари – транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи давлат таълим ташкилотлари ва белгиланган тартибда аттестациядан ҳамда давлат аккредитациясидан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари;

темир йўл ва метрополитеннинг тортиш ҳаракатдаги таркиби (кейинги ўринларда – тортиш ҳаракатдаги таркиб) – темир йўл ва метрополитенда поездлар ва алоҳида вагонларни тортиш, ҳаракатга келтириш ва ташиш учун мўлжалланган, локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, метрополитен поездлари, тортиш агрегатлари, локомобиллар ҳамда махсус ўзиюлар ҳаракатдаги таркиб;

тест синови – тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун ўтказиладиган имтиҳон.

3. Қуйидагилар темир йўл ва метрополитен ташкилотининг гувоҳнома олишга талабгор бўлган ходимлари (кейинги ўринларда – номзод) ҳисобланади:

машинист ёрдамчиси;

темир йўл ва метрополитенда тортиш ҳаракатдаги таркибнинг бир туридан бошқа турини бошқариш ҳуқуқини олишга талабгорлар;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи бекор қилинган машинистлар;

гувоҳномасини йўқотган ва гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган машинистлар;

амалда машинист лавозимида фаолият юритаётган ва ушбу Регламент талабларига мувофиқ янги намунадаги гувоҳномани олиши талаб этиладиган машинистлар.

4. Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга **1-иловага** мувофиқ, шунингдек, тест синов ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) бериш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга **2-иловага** мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

5. Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома 10 йил муддатга берилади.

Тортиш ҳаракатдаги таркибнинг бир ёки бир нечта турини бошқариш ҳуқуқига эга машинистга бошқа турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи берилганда, гувоҳноманинг амал қилиш муддати янги ҳуқуқ берилган санадан бошлаб, унда кўрсатилган барча турлар бўйича 10 йил этиб белгиланади.

6. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти тизимида кирмайдиган ариза берувчилар сўровига кўра, улар томонидан тақдим этилган номзодларга берилган гувоҳномалар, уларнинг умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқиш ҳуқуқини бермайди. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Гувоҳнома олиш учун ариза ҳар бир номзод учун алоҳида тақдим этилади.

2-боб. Гувоҳнома олиш учун асосий талаблар

7. Гувоҳномани олиш учун номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

темир йўл машинистининг амалдаги машинист ёрдамчиси сифатида 18 ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш. Бунда тортиш ҳаракатдаги таркибга тегишли таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган номзодлар учун машинист ёрдамчиси сифатида талаб этиладиган меҳнат стажига 6 ой этиб белгиланади;

метрополитен тортиш ҳаракатдаги таркиби учун чилангар сифатида 12 ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтаганлик тўғрисида далолатномага эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида тегишли турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича таълим олган, машинист касбини эгаллаганлик ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиш;

белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиш ва номзоднинг соғлиғи ҳолати унга топшириладиган ишга мувофиқлиги ҳамда айрим турдаги ишларни (бевосита поездлар ҳаракати ва манёвр ишлари билан боғлиқ ишларни) бажаришга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисида тиббий хулосага эга бўлиш;

платформада тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш учун тест синовини муваффақиятли топшириш.

8. Номзоднинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўташи якунларига кўра, унинг амалий билим ва кўникмалари ариза берувчининг буйруғи билан ташкил этиладиган камида уч нафар аъзодан иборат комиссия томонидан баҳоланади. Бунда:

комиссия таркибига ариза берувчининг локомотив хўжалиги бўйича малакали мутахассиси, тегишли турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига эга машинисти, шунингдек, Инспекциянинг тегишли йўналишдаги мутахассиси мажбурий тартибда киритилади;

амалий билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади ва ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ сўровномани электрон тарзда тўлдириб, маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда белгиланган тўловни амалга оширгандан сўнг сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга юборилади.

Давлат хизмати учун тўлов ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Ариза берувчидан сўровномада кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

10. Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунлари юборилганда, навбатдаги иш куни аризалар Инспекцияга тушган ҳамда қабул қилинган кун ҳисобланади.

11. Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

12. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар тенг улушларда – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ва Институтнинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

13. Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш номзоднинг иш жойида амалга оширилади. Ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ сўровномада назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

14. Гувоҳнома олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар Инспекцияга келиб тушгани (ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилингани) тўғрисида ариза берувчининг шахсий кабинетига “push”-хабарнома юборилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, тест синовини ўтказиш, шунингдек, гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Ҳужжатлар ариза келиб тушган кундан бошлаб Инспекция томонидан ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

16. Ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда (сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган ва (ёки) етарли бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлганда), ариза кўриб чиқилиб, ариза берувчига ҳужжатлар қайтарилган санадан бошлаб ўн иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қайта тақдим этиш имконияти берилади.

Хужжатларни такроран кўриб чиқишда Инспекция томонидан ариза берувчига илгари баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилмаганини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш ҳолатлари бундан мустасно.

Машиинистнинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши ёки бу ҳуқуқни тўхтатиб туриб, тикланмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

17. Такдим этилган ариза ва хужжатларда (маълумотларда) камчиликлар аниқланмаган тақдирда, Инспекция ушбу аризани кўриб чиқиш якунланган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида номзод гувоҳнома олиш учун тест синовини топшириладиган сана, жой, вақт ҳақида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига “push”-хабарнома юборади.

18. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун тест синовини Инспекция ҳузуридаги имтиҳон комиссияси (кейинги ўринларда – имтиҳон комиссияси) томонидан ўтказилади, унинг аъзолари сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

20. Имтиҳон комиссияси раиси, таркиби ва уларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

21. Имтиҳон комиссиясининг таркибига Инспекциянинг тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича мутахассис ходимлари киритилиши лозим.

22. Инспекция имтиҳон комиссияси таркибига темир йўл транспорти ташкилотларининг тегишли соҳавий бўлинмалари, корхоналари ва шуъба хўжалик жамиятлари раҳбар ходимлари ва соҳа мутахассислари, таълим ташкилотларининг соҳа ўқитувчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан белгиланган тартибда жалб этиши мумкин.

23. Иш юритишни ташкил этиш учун Инспекция томонидан имтиҳон комиссияси аъзоси бўлмаган имтиҳон комиссияси котиби тайинланади.

24. Инспекция тест синовини ўтказиш жадвалини ҳар йил бошида тасдиқлайди.

Номзодлар сони кўп бўлганда, Институт билан келишилган ҳолда қўшимча тест синовини ёки республиканинг бошқа ҳудудларида тест синовини ташкил этилиши мумкин.

25. Тест синовини имтиҳон комиссияси кузатувида платформада ташкил қилинади ва ўтказилади.

26. Тест синовини анъанавий шаклда, яъни номзоднинг шахсан иштирокида ўтказилади. Тест синовини ўтказиш санаси, вақти ва жойи Институт билан келишилган ҳолда Инспекция томонидан белгиланади.

27. Тест синовини топширишда номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд тест синовига кечиккан номзодлар келмаган ҳисобланади ҳамда навбатдаги тест синовидан ўтадиган номзодлар рўйхатига киритилади. Бу ҳақида ариза берувчига уч иш кунидан кечиктирмай ЯИДХП орқали хабар юборилади.

28. Агар номзод тегишли тарзда хабардор қилингандан кейин тест синовини топшириш учун келмаса, номзодга давлат хизматини кўрсатиш рад этилади. Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Ҳужжатлар ушбу Регламентда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

29. Тест синовини ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун Институт тест синовини ташкил этган ҳолда имтиҳон хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва бошқалар) билан таъминлаб, номзодлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

30. Тест синови жараёнида номзодлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Бунда ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки улардан фойдаланган, ёхуд тест синови вақтида бошқа номзодлар билан суҳбатлашган номзод тест синовини ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида тест синовидан четлаштирилади.

Тест синови жараёнлари Инспекциянинг расмий веб-сайти орқали онлайн трансляция қилинади.

Тест синови жараёнлари овозли видеокузатув камераси орқали ёзиб олинади ва Институтда бир йил сақланади.

31. Тест синовининг саволлар тўплами (базаси) темир йўл ва метрополитеннинг тортиш ҳаракатдаги таркибининг ҳар бир тури, серияси бўйича алоҳида тузилади.

Тест синовида гувоҳнома олиш учун номзодга бериладиган саволлар тўплами (базаси) машинист мажбуриятлари, функциялари, вазифалари ва малака талабларига ҳамда соҳага оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Инспекция томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Инспекция томонидан тест синови саволлари доимий янгилаб борилади ҳамда тест синови материалларини ва саволларини шакллантириш учун давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлардан малакали мутахассислар, шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

32. Тест синовии давомида номзоднинг натижалари (тест синовии натижалари) 100 балли тизимда баҳоланади. Тест синовии 50 та тест саволини ўз ичига олади ва ҳар бир тўғри жавоб 2 баллни ташкил қилади.

Тест синовии натижалари тест синовии варақасига киритилади.

Агар номзод тест синовии натижалари бўйича камида 80 балл тўпласа, имтиҳон комиссияси томонидан номзод тест синовидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади ва унга гувоҳнома расмийлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда юқори тезликдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини олиш учун номзодлар тест синовиида камида 90 балл тўплаши лозим.

33. Тест синовини топширувчи номзодлар тест топшириқларини бажаришни якунлагач, тест синовии натижаси инсон омилисиз, платформа орқали шу вақтнинг ўзида маълум қилинади.

34. Тест синовидан ўта олмаган (ундан четлаштирилган) номзодга белгиланган йиғим ундирилмасдан уни қайта топшириш учун бир маротаба имконият берилади ва кейинги бўлиб ўтадиган тест синовига қўйилади.

35. Иккинчи маротаба берилган имкониятдан ҳам фойдалана олмаган (тест синовидан муваффақиятли ўта олмаган) номзод ушбу Регламентда белгиланган тартибда қайта тест синовини топширади.

36. Тест синовини топширмаган номзод гувоҳнома билан бериладиган ҳуқуқларга мувофиқ ўз вазифаларини бажаришга ариза берувчи томонидан қўйилмайди. Ариза берувчи томонидан ушбу ходимни машинист лавозимида фаолият олиб бориш учун, шу жумладан, уни аккредитациядан ўтган таълим ташкилотларида машинистларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) бўйича ўқув курсларга ўқишга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинади.

37. Тест синовини муваффақиятли топширган номзодларга Инспекция томонидан гувоҳнома расмийлаштирилади. Гувоҳномада тест синовии топширилган тортиш ҳаракатдаги таркибнинг тури кўрсатилади.

Гувоҳномадаги ёзувлар Инспекция томонидан махсус техник воситаларда босилади.

38. Гувоҳнома тўғрисидаги маълумотлар гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китобига киритилади. Гувоҳноманинг серияси лотин алифбосидаги “MG” ҳарфларидан, тартиб рақами эса кетма-кет бериладиган ва такрорланмайдиган олти хонали рақамдан иборат бўлади.

39. Гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома ариза берувчига электрон шаклда юборилади.

40. Гувоҳнома Инспекция томонидан тест синовидан муваффақиятли ўтган номзоднинг шахсан ўзига, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этганда, гувоҳномаларни бериш китобига шахсан имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Машинист бошқа турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини олиш учун амалдаги гувоҳномасини тақдим этиши керак.

Гувоҳнома ишончнома асосида берилмайди.

41. Инспекция гувоҳнома берилишининг асослангани, тўғри тўлдирилгани ҳамда гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китоби юритилиши учун жавоб беради.

42. Номзод тест синовида талаб қилинадиган натижа қайд этмаган ёки тест синовидан четлаштирилган бўлса, гувоҳнома бериш рад этилади.

Гувоҳнома беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

43. Ариза берувчи гувоҳнома беришнинг рад этилиши, шунингдек, Инспекция мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни алмаштириш ва йўқолган гувоҳнома ўрнига дубликат бериш

44. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагач, у ариза берувчининг аризасига кўра алмаштирилиши керак. Гувоҳномани янгисига алмаштириш тўғрисидаги ариза Инспекцияга гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар берилиши лозим. Амал қилиш муддати тугаган гувоҳнома ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида алмаштирилади.

45. Аввал берилган гувоҳнома ўрнига тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) олиш учун ЯИДХП орқали ариза берувчи Инспекцияга қуйидаги ҳолатларда мурожаат қилади ва гувоҳнома ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ схема асосида берилади:

- а) гувоҳнома эгасининг шахсга доир маълумотлари ўзгарганда;
- б) техник хатолар ва ёзувдаги хатоларни тузатишда;
- в) гувоҳнома эскиргани, шикастлангани ва унда (ёки унинг бир қисмида) кўрсатилган маълумотларни кўз билан кўриб аниқлаш мумкин эмаслиги оқибатида кейинчалик фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган бўлса;
- г) ариза берувчидан гувоҳнома йўқолгани тўғрисида ариза тушган бўлса.

Янги гувоҳнома (дубликат) берилганда, аввал берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Янги гувоҳнома (дубликат) берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида йиғим ундирилади, ушбу банднинг “б” кичик бандидаги ҳолат бундан мустасно.

46. Ушбу Регламентнинг 45-бандида келтирилган ҳолатлар бўйича гувоҳнома берилганда, йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

47. Гувоҳнома йўқолганда, ариза берувчи ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича хизмат текширувини ўтказди. Хизмат текширувини ўтказиш учун ариза берувчи ташкилотнинг раҳбар ва мутахассис ходимларидан камида уч кишидан иборат комиссия тайинланади. Бунда йўқолган гувоҳноманинг эгаси комиссия раисига гувоҳноманинг йўқолгани тўғрисида ёзма ариза тақдим этиши шарт, унда содир бўлган ҳодиса батафсил баён қилиниши лозим.

Текшириш материаллари бўйича комиссия томонидан йўқолган гувоҳноманинг эгасига янги гувоҳнома бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса билан далолатнома тузилади.

Йўқолган гувоҳнома эгаси гувоҳномани тиклагунга (дубликат олгунга) қадар ариза берувчи томонидан тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқаришдан вақтинча четлаштирилиши шарт.

48. Йўқолган гувоҳноманинг эгаси тўғрисида расмийлаштирилган ҳужжатлар (гувоҳнома эгасининг аризаси, йўқолган гувоҳноманинг рақами, Инспекция томонидан берилган санаси кўрсатилган ҳолда гувоҳнома эгасининг шахсий ҳужжатлари, машинистнинг иш фаолияти тўғрисида маълумотнома) ариза берувчи томонидан Инспекцияга янги гувоҳнома бериш учун сўровномага илова қилинади.

Йўқолган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома Инспекция томонидан тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи бекор қилинган машинистлар гувоҳномалари маълумотлар базаси бўйича текширилгандан кейин ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда берилади.

49. Аввалги гувоҳнома янгисига алмаштирилгандан кейин Инспекция томонидан тегишли далолатнома билан расмийлаштирилган ҳолда йўқ қилинади.

Янги гувоҳнома гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва бериш китобига унинг эгасига шахсан имзо қўйдирган ҳолда берилади.

6-боб. Гувоҳномани тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш

50. Қуйидаги ҳолатлар гувоҳноманинг амал қилишини Инспекция томонидан тўхтатиб туришга асос ҳисобланади:

тиббий комиссия хулосаси асосида машинистнинг соғлиғи бўйича тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлса;

машинист томонидан ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилган тақдирда (ҳодисанинг таснифига қараб поездлар ҳалокати, авария, ишдаги алоҳида ҳодисалар, ишдаги ҳодисаларда);

машинистнинг фаолияти билан боғлиқ жиноий қилмиш тўғрисидаги ишни юритиш вақтида;

Инспекция томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлардан бўйин товлаганда;

машинистнинг иш вақтида гувоҳномаси ёнида бўлмаганида.

51. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати 90 суткадан ошмаслиги лозим.

52. Гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади: гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

тортиш ҳаракатдаги таркибни 2 йилдан ортиқ узлуксиз бошқармаса;

тиббий хулосага кўра машинист сифатида ишлашга яроқсиз деб топилганда;

гувоҳнома эгаси вафот этганда.

53. Гувоҳномани бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Регламентнинг 51-бандида кўрсатилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилмаган бўлса;

ариза берувчининг гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш натижасида машинистнинг айби билан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ёки бундай зарар етказилиши реал хавфи юзага келганда;

машинистнинг фаолияти билан боғлиқ жиноят иши доирасида суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

машинистнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келганида ёки ишда бўлганида.

54. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорда (кўрсатмада) қуйидагилар кўрсатилади:

қарор қабул қилинган сана;

қарорни қабул қилган Инспекция мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

машинистнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи (юримдик шахсининг номи), унинг гувоҳнома рақами;

гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилишнинг асоси, шунингдек, тўхтатиб туриш муддати;

қарор устидан шикоят қилиш тартиби;

қарорни тузган Инспекция мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси ёки электрон график имзоси ҳамда QR-код (матрик штрихли код).

Гувоҳноманинг амал қилиши қарор қабул қилинган кундан бошлаб тўхтатилади (тугатилади ёки бекор қилинади).

55. Машинаист Инспекциянинг мансабдор шахси томонидан расмийлаштирилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорга (кўрсатмага) электрон график имзосини қўяди. Бунда Инспекциянинг мансабдор шахси машинаистга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чораларини кўриш учун қарорни (кўрсатмани) у фаолият юритаётган ташкилот раҳбарига юборади ва гувоҳномани олиб қўяди.

56. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати давомида ушбу Регламентнинг 51-бандида назарда тутилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг гувоҳнома қайтариб берилади.

57. Гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар Инспекция томонидан юритиладиган гувоҳномаларнинг электрон реестрига тегишли равишда қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида киритилади.

7-боб. Гувоҳнома эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

58. Гувоҳнома эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гувоҳномада кўрсатилган турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш;

тортиш ҳаракатдаги таркибда ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи носозлик аниқланганда, уни ҳаракатга чиқаришни рад этиш ёки ҳаракатини тўхтатиш ҳамда бу ҳақида ваколатли мансабдор шахсни хабардор қилиш;

малака ошириш, қайта тайёрлаш ва касбий билимларини ошириш курсларида ўқиш;

гувоҳномани бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Гувоҳнома эгаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

59. Гувоҳнома эгасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида уч йилда камида бир марта малакасини ошириб бориш;

ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;

касбий билим ва кўникмалари, амалий тайёргарлик ҳамда иш фаолиятини малакали амалга ошириш;

бир йилда камида бир маротаба, юқори тезликдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқига эга машинистлар эса олти ойда камида бир маротаба тиббий кўрикдан ўтиш;

соғлиғи ёмонлашганда, гувоҳномадан фойдаланишни тўхтатиш;

рейс (сафар) давомида гувоҳномада кўрсатилган турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибда ўз лавозим мажбуриятларини бажариш.

60. Гувоҳнома эгасига қуйидаги ҳолларда ўз функционал вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди:

гувоҳнома бўлмаганда;

гувоҳномада тузатишлар мавжуд бўлганда;

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

гувоҳнома машинистнинг ёнида бўлмаганда (тақдим қилмаганда);

гувоҳнома қалбаки бўлганда;

гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганда.

61. Машинистлар ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида гувоҳномалари ёнида бўлиши ва уни Инспекциянинг масъул ходими талабига кўра тақдим қилиши лозим.

8-боб. Тест синовини натижалари бўйича апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

62. Номзодларнинг (гувоҳнома эгаларининг) шикоятларини кўриб чиқиш учун Инспекция раҳбарининг буйруғи билан камида беш нафар мутахассисдан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади. Бунда:

Апелляция комиссияси таркибига бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам мутахассислар келишув асосида жалб этилиши мумкин;

тест синовини ўтказишга масъул бўлган комиссия аъзоларининг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

63. Тест синовини натижаларидан норози бўлган номзодлар (гувоҳнома эгаларининг) унинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш иш куни мобайнида Апелляция комиссиясига электрон шаклда апелляция шикояти бериши мумкин.

Бунда Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзодни (гувоҳнома эгасини) шикоят кўриб чиқилишидан икки иш куни олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

64. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқади. Бунда апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзод (гувоҳнома эгаси) мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

65. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

66. Апелляция комиссияси тест синовии жараёнида номзоднинг (гувоҳнома эгасининг) берган жавоблари ва видеотасвирларини кўриш орқали текширувдан ўтказди. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида номзодга (гувоҳнома эгасига) уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

67. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тест синовии натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляциянинг қаноатлантирилишини рад этиш;

тест синовлари натижаларини ўзгартириш ва апелляцияни қаноатлантириш.

68. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат этган номзодга (гувоҳнома эгасига) ўз қарорини уни қабул қилган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

69. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

9-боб. Гувоҳномаларнинг электрон реестрини юритиш

70. Инспекция томонидан берилган гувоҳномаларнинг электрон реестри юритилади ва Инспекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

71. Гувоҳномаларнинг электрон реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак: ариза берувчининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, телефон рақами;

гувоҳнома берилган сана, амал қилиш муддати ва унинг рақами;

номига гувоҳнома берилган ариза берувчи ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

бошқаришга гувоҳнома берилган тортиш ҳаракатдаги таркиб тўғрисидаги маълумотлар (тортиш тури, серияси ва бошқалар);

гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилгани, бекор қилингани, тиклангани, шунингдек, тугатилганининг асоси ва санаси;

гувоҳноманинг дубликатини беришнинг асоси ва санаси.

10-боб. Гувоҳномани тайёрлаш, ҳужжатларни сақлаш (ҳисобга олиш)

72. Гувоҳнома бланкаси ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган намунага мувофиқ пластик карточка шаклида, Инспекциянинг буюртманомаси асосида, уни тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот томонидан ишлаб чиқарилади.

73. Гувоҳномалар рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китобида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

74. Тўлдирилмаган гувоҳномалар қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар сифатида сақланади.

75. Тўлдириш (ёки чоп этиш) жараёнида бузилган гувоҳномалар далолатнома расмийлаштирилгандан кейин Инспекция томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

76. Тест синовини ўтказиш ва гувоҳнома бериш билан боғлиқ барча иш юритиш ҳужжатлари (тест синови варақалари, баённомалар, далолатномалар) Инспекция томонидан тасдиқланган намуналар асосида юритилади.

77. Янги гувоҳнома (дубликат) берилгандан кейин топилган гувоҳномалар, вафот этган шахснинг гувоҳномаси ва эски намунадаги гувоҳномалар Инспекция томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

78. Тест синови варақалари ва имтиҳон комиссияси баённомалари ўн йил, гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва бериш китоблари эса олтмиш йил давомида Инспекцияда сақланади.

11-боб. Якунловчи қоидалар

79. Давлат хизматини кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

80. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

81. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

82. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш
ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш
бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи – юридик шахс	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. 2. Электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради, ҳужжатларни электрон шаклда илова қилади. 3. Давлат хизматидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Сўровнома Транспорт назорати инспекциясига (Инспекция) юборилади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси (имтиҳон комиссияси)	1. Ҳужжатларни ЯИДХП орқали қабул қилади. 2. Ариза ва ҳужжатларни (маълумотларни) кўриб чиқади.	10 иш кунда
4-босқич	Транспорт назорати инспекцияси (имтиҳон комиссияси), Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	Транспорт назорати инспекцияси Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тест синовини ўтказиш, унинг натижалари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги тегишли баённомани расмийлаштиради.	Тасдиқланган жадвалга мувофиқ
5-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	Гувоҳномани тақдим этади.	1 иш кунда

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш
ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Тест синовии ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) бериш бўйича
давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи – юридик шахс	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. 2. Электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради, ҳужжатларни электрон шаклда илова қилади. 3. Давлат хизматидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Сўровнома Транспорт назорати инспекциясига (Инспекция) юборилади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	1. Тушган сўровнома ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилганини кўриб чиқади. 2. Гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. 3. Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига хабар юборади.	5 иш кун ичида
4-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	Гувоҳномани тақдим этади.	1 иш кун ичида

Тортиш ҳаракатдаги таркибни
бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

**Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи ва номзод тўғрисидаги маълумотлар	
1. Юридик шахснинг номи*	
2. Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли*	
3. Юридик шахснинг манзили (жойлашган жойи)*	
4. Юридик шахснинг почта манзили	
5. Гувоҳнома олишга номзод бўлган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми*	
6. Номзоднинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
7. Номзоднинг туғилган санаси*	
8. Тортиш ҳаракатдаги таркибнинг тури	
9. Номзодда илгари олинган гувоҳноманинг мавжудлиги, унинг ким томонидан ва қачон берилгани	
10. Номзоднинг телефон рақами	
11. Номзоднинг электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
12. Номзоднинг иш стажи*	
II. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар	
1. Таълим ташкилотида машинист касбини эгаллаганлик ҳақидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат ёки тегишлилиги бўйича малака паспорти (сертификати)	
2. Номзоднинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтагани тўғрисида далолатнома	
3. Номзодда ҳаракат ва манёвр ишлари билан бевосита боғлиқ ишларни бажаришга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий хулоса	
4. Гувоҳнома йўқолганлиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар**	

*) Ушбу маълумотлар “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади.

**) Дубликат гувоҳнома олиш учун 4-позициядаги ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилади.

Изоҳ. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматида юкланади.

Тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) беришда тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтагани тўғрисида далолатнома талаб этилмайди.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш
хукукини бериш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

НАМУНА

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш хукукини берувчи
ГУВОҲНОМА

(оқд томони)

O'ZBEKISTON
ЎЗБЕКИСТАН
UZBEKISTAN



MASHINIST GUVOHNOMASI

УДОСТОВЕРЕНИЕ МАШИНИСТА TRAIN DRIVER LICENCE



1. FAMILIYASI
2. ISMI, OTASINING ISMI
3. TUG'ILGAN JOYI VA SANASI
- 4a. BERILGAN SANASI
- 4b. AMAL QILISH MUDDATI
- 4d. KIM TOMONIDAN BERILGAN
- 4e. JSHSHIR
5. GUVOHNOMA RAQAMI
8. TORTISH HARAKATDAGI TARKIB TURI



Mashinist rasmi

- 6.
- 7.

SHAXSIY IMZO

SERIYA RAQAMI



(орқа томони)

1.	Familiyasi / Фамилия / family name	8. TORTISH HARAKATDAGI TARKIB TURI Lokomotivlar: A Teplovoz B Elektrovoz Motorvagonli harakatdagi tarkib (MVHT): C Yuqori tezlikdagi elektropoyezd D Elektropoyezd E Metropolitent elektropoyezdi F Dizelli poyezd Yo'1 mashina va mexanizmlari (o'ziyurar) G Avtodrezina, motovoz, avtomotrisa H Yo'1 mashina va mexanizmlarining (o'ziyurar) boshqa turlari	9. AMAL QILISH MUDDATI
2.	Ismi, otasining ismi / Имя, отчество / Given name		
3.	Tug'ilgan sanasi / Дата рождения / Date of birth		
4a.	Berilgan sanasi / Дата выдачи / Date of issue		
4b.	Amal qilish muddati / Действительно до/Date of Expiry		
4d.	Kim tomonidan berilgan / Кем выдано / Issuing authority		
4e.	JSHSHIR / ПИН ФЛ / Personal ID number		
5.	Guvohnoma raqami / Номер Свидетельства / licence Number		
6.	Mashinist rasmi / Фото машиниста / Driver's photo		
7.	Shaxsiy imzo / Личная подпись / Personal signature		
8.	Tortish harakatdagi tarkib turi / Вид тягОВОГО железнодорожного подвижного состава / Type of traction railway rolling stock		
9.	Amal qilish muddati / Срок действия / Expiration date		

5. GUVOHNOMA RAQAMI

Alohida belgilar uchun Для особых отметок For special marks	
---	--

